



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 1 октябрь, № 204 (7434)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КУРАГИ ЕРГА ТЕГМАГАН БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБ ЁҒЛОНЛАРНИ ТАҚДИРЛАДИ



30 сентябрь куни Қўқсаройда ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт федерациялари раҳбарлари, боксчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Мамлакатимизда ёшлар камолоти, спорт ривожини унун пухта замин яратилган. 2019 — 2023 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси изчил амалга оширилмоқда. Жойларда янги спорт объектлари ишга туширилиб, ёшлар соғлом турмуш тарзига фаол жалб этилмоқда. Профессional спортчиларнинг машғулотлар ўтказиши, маҳоратини мунтазам ошириб бориши учун замонавий шароитлар яратилмоқда.

Президентимиз раислигида жорий йил 4 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган эди.

Ўтган қисқа вақтда спортчиларимиз бир нечта турнирларда иштирок этиб, улкан ютуқларни қўлга киритди. Хусусан, 14 — 22 сентябрь кунлари Қозғистон пойтахти Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтган юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 4 та медаль билан 2-ўринни эгаллади. Эътиборлиси, совриндор спортчиларимиз 2020 йилги Токио Олимпиадасига ҳам йўланма олди.

20 — 25 сентябрь кунлари Тошкентда дэюдо бўйича халқаро Гран-при турнири юқори савияда ўтказилди. Унда 71 мамлакат спортчилари 14 та вазн тоифасида қатнашди. Юртимиз терма жамоаси жами 6 та медаль билан 2-ўринга сазовор бўлди.

6 — 22 сентябрь кунлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионати спортчиларимиз учун янада муваффақиятли кечди. Саксонга яқин мамлакатлардан энг кучли чарм қўлқоп усталари иштирок этган гоят кескин беллашуларда терма жамоамиз 3 та олтин, 1 кумуш ва 1 бронза медални қўлга киритди. АҚШ, Куба, Россия, Қозғистон, Англия, Ҳиндистон каби бокс бўйича етакчи давлатлар вакиллари орта қолдириб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Жамоа сардори Баҳодир Жалолов чемпионатнинг “Энг яхши боксчиси” деб эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, спортчиларимизни, уларнинг устоз ва мураббийларини, бутун халқимизни бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг тарихий ғалабаси билан самимий табриқлади.

Бўлиб ўтган самимий мулоқотда терма жамоамиз бокс бўйича етакчи давлатлар вакиллари орқада қолдириб, яқиний босқичда ғолибликни қўлга киритгани уларнинг нафақат жисмоний, балки руҳий ва маънавий жиҳатдан ҳам яхши тайёргарлик билан майдонга чиққани натижаси экани алоҳида таъкидланди.

Жалолитдин Мангуберди, Амир Темур, Пахлавон Маҳмуд каби ҳеч қачон кураги ерга тегмаган буюк аждодларимизга муносиб ёғлонларига ана шундай улғу зафарларга қодир бўла олади. Сизлар миллий спортимиз тарихида янги ва ёрқин саҳифа очиб, жонажон Ўзбекистонимиз обрў-эътиборини янада юксакларга қўтардингиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари учрашувда иштирок этган боксчиларимизнинг ота-оналарини алоҳида кутлаб, улар мана шундай мард, мустаҳкам иродали, ватанпарвар фарзандларни воғга етказиб, қўпчиликка намуна бўлганларини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, дунёнинг 80 га яқин мамлакатларидан энг кучли чарм қўлқоп усталари иштирок этган ва гоят кескин курашлар остида ўтган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз энг юқори поғонага қўтарилгани улкан жасорат ва қаҳрамонлик намунасидир. Бунинг учун зарур бўлган бекиёс куч-ғайрат, билим ва маҳорат, мустаҳкам ишонч манбаи, аввало, Ватанимиз, олижаноб халқимиз, унинг шонли тарихи ва бой маънавияти, десак, асло мулобага бўлмайди. Ана шундай буюк кучга таяниб, миллионлаб ёшларимиз юртимизни ҳар томонлама тараққий топтириш йўлида зўр ғайрат ва шижоат билан майдонга чиқмоқда, деди Президентимиз.

Маълумки, 2016 йил Бразилияда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида ҳам боксчиларимиз ҳам-мани қойил қолдириб, умумжамоа ҳисобида би-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27 сентябрдаги Фармониға мувофиқ, Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юксак натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи ва мураббийлар фахрий унвон ва медаллар билан тақдирланган эди.



ринчи ўринни эгаллаган эди. Эришилган бундай ютуқлар тасодифий эмаслигини, Ўзбекистон том маънода бокс мамлакатига айланиб бораётганини миллий терма жамоамиз аъзолари яна бир бор бутун дунёга яққол намоян этди. Бу ғалаба “Ўзбекистон бокс мактаби”, “Ўзбекистон боксчилари” деган сўзларни жаҳон спорт тарихига олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўйди. Энди Ўзбекистон боксчиларини, ўзбек бокс мактабини тан олган ҳам таъ олади, тан олмаган ҳам таъ олади. Энди “Ўзбекистон”, “Ўзбекистонлик” деса, манаман деган боксчилар ҳам ўйлаб рингга тушадиган бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортга, хусусан, бокс соҳасига қўрсатилаётган эътибор, яратилаётган зарур шароитлар рўёби, аввало, мана шундай ютуқларда кўринади. Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия масканлари билан бирга, янги-янги спорт мактаблари ва мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этилаётгани, болаларимиз қалбида спортга меҳр уйғотишга алоҳида ҳақимият берилётгани бу борада ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Айниқса, ҳурматли устоз ва мураббийлар меҳнати қадр топиб, уларнинг мавқеи ва мақоми ошиб бораётгани ютуқлар гарови бўлмоқда.

“Ешлар — келажагимиз”, “Беш муҳим ташаббус”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод марказ” каби дастурларнинг барчасида фарзандларимизни барқамол этиб тарбиялашга, уларнинг спорт билан шугулланишига жиждий эътибор қаратилмоқда.

Бу ғалабанинг ана бир муҳим томони шундаки, у мамлакатимизда бошқа спорт турларининг ривожига ҳам қудратли туртки беради. ўз

навбатиде, ёшларни барча соҳада маррани банд олиб, доимо ғалаба сари интилиб яшашига ўргатади, деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда терма жамоамиз қўлга киритган оламшумул ютуққа бекиёс ҳисса қўшган қаҳрамон боксчиларимизнинг ҳар бири ҳақида гуруҳ ва ифтихор билан фикр билдирилди.

Шаҳобиддин Зоиров бир қатор кучли рақибларни, хусусан, финалда Ҳиндистонлик машҳур боксчини енгиб, дастлабки олтин медални қўлга киритгани, Мирзизбек Мирзахалилов финалда кубалик ўта кучли рақибни иккинчи раунддаёқ мағлуб этгани, алпомишлар юрти — Сурхондарё фарзанди, учинчи олтин медаль соҳиби Баҳодир Жалолов ўта оғир вазнда ҳам чемпион, ҳам чемпионатнинг “Энг яхши боксчиси” деган эътирофга сазовор бўлгани, ёш, истеъдодли боксчимиз Дилшодбек Рўзметов бундай нуфузли мусобақада илк бор иштирок этганига қарамасдан, кумуш медални қўлга киритгани, бронза медалга сазовор бўлган Бобо-Усмон Ботиров ҳам жаҳон чемпионатида илк марта қатнашиб, фахрли натижага эришгани алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда эришилган ғалабани таъминлашда мураббийлар таркиби, Бокс федерациясининг салмоқли ҳиссаси борлиги эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари кучли ва энгилмас жамоани тайёрлаш учун чинакам фидойилик қўрсатган, тўғри тактика танлаган ва пухта машғулотлар олиб борган Марат Курбонов, Раҳматжон Рўззоҳидов, Тўлқин Қиличев, Истам Кабинов, Баҳодир Эрқаев, Фаруҳ Қиличев каби мураббийларнинг хизматларини юқори баҳолаб, уларни чин дилдан табриқлади.

Мулоқот давомида келаси йил Японияда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига тайёргарлик ҳақида ҳам атрафлича сўз юритилди. Ўзбекистон боксчилари катта ғалабани қўлга киритиб, бу борада мустаҳкам пойдевор яратганига алоҳида урғу берилди.

Жадал ривожланаётган, очик ва демократик мамлакатимиз ўзининг спорт соҳасидаги янги қиёфасини намойиш этиши учун бу Олимпиада зарур шароитлар яратиш бўйича концепция ишлаб чиқиш, боксини умуммиллий спорт турига айлантириш юзасидан алоҳида дастур ва чора-тадбирлар қабул қилишга доир муҳим тақдир ва ташаббуслар илгари сурилди.

Маросимда бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи М. Қурбонов, жаҳон чемпиони Б. Жалолов, М. Мирзахалилов ва бошқалар спортни ривожлантириш ҳамда спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қўрсатаётган доимий эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати суратлари.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИгини ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга Ватанимизнинг тақдирини ўз масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган барқамол ёш авлодни тарбиялаш ҳамда воғга етказиш учун мамлакатимизда кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш, республикамизда жадал савияларда бўлиб келаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислохотлар улғайиб келаётган ўспирин иқтисодини янада ривожлантириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, юрт равнақи йўлида уларнинг фаол иштирокини таъминлашнинг бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланмоқда.

(Давоми 2-бетда).



### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САЊАТ МАКТАБЛАРИ РАҲБАР, ЎҚИТУВЧИ ВА КОНЦЕРТМЕЙСТЕРЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТўЛАШ ВА УЛАРНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Тўғрисида

Болалар музика ва санъат мактабларида таълим-тарбия бериш сифатини янги босқичга қўтариш, кўп йиллар давомида ўзининг фидокорона хизматлари билан таълим самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиб келаётган болалар музика ва санъат мактаблари раҳбар ва педагог ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг ижодий маҳорати ва меҳнати муносиб рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг болалар музика ва санъат мактаблари ходимларининг базавий тариф ставкаларини 2019 йил 1 октябрдан:  
директор ва директор ўринбосарлари учун — 1,5 бараварга;

(Давоми 2-бетда).



### ЖАҲОННИНГ ЭНГ КУЧЛИ БОКС МАКТАБЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ИНТИЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 27 сентябрдаги Фармониға мувофиқ, Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи ва мураббийлар фахрий унвон ва медаллар билан тақдирланган эди.

30 сентябрь куни Қўқсаройда ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди. Тантанали маросимдан сўнг музаффар спортчиларимиз ва уларнинг мураббийлари билан суҳбатлашдик.

Баҳодир ЖАЛОЛОВ,  
бокс бўйича жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби:

— Бундан уч йил олдин Президентимизга, албатта, жаҳон чемпиони бўлман, деб ваъда бергандим. Бунинг уддасидан чиққанам зўр иш бўлди. Ахир халқимиз тили билан айтганда, полвонман. Полвон эса бир сўзли

бўлади. Энди чемпионат ҳақида айтсам, дастлаб украиналик Цотне Рогани енгдим, чорак финалда америкалик Ричард Торресни илк раундда нокаутга учратдим, ярим финал баҳсида россиялик Максим Бабанини, сунгги ҳал қилувчи финал жангида азалий рақибим қозғистонлик Камшибек Конжабаевни мағлубиятга учратдим.



### Улкан жасорат ва қаҳрамонлик намунаси

Шу йилнинг 7 — 21 сентябрь кунлари Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича 20-жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 3 та олтин, биттадан кумуш ва бронза медалларни қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаган эди.

#### Эътироф

Бу муваффақият нафақат спорт муҳлислари, балки бутун халқимизни руҳлантириб юборди. Музаффар ўғлонларимиз давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилди. Чунки, Президентимизнинг 2019 йил 27 сентябрдаги “Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган жа-

ҳон чемпионатида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”-ги Фармони имзоланди.  
Кеча пойтахтимиздаги Олимпиада шоншухрати музейида қаҳрамонларимизни тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.







**ЎҚИТУВЧИ ЧИНАКАМ ВАТАНПАРВАР ИНСОН БЎЛИШИ ЗАРУР. ҚАЛБИДА ЎЗ КАСБИГА, ВАТАНИГА МЕХР ВА САДОҚАТ КУЧЛИ БЎЛГАН ЎҚИТУВЧИГИНА ҲАҚИҚИЙ ВАТАНПАРВАР ШАХСНИ ТАРБИЯЛАЙ ОЛАДИ.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## ЯНГИЧА ФИКРЛАШ, ЯНГИЧА ҲАРАКАТ ВА ИЖОД САМАРАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган байрам табриги таълим соҳаси вакиллари чинакамига қувонтирди. Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан юксак босқичга кўтариш йўлида янги зафарларга ундади. Албатта, юртимизда янгиликлар, янгиликлар ҳаракат ва ижод қилиш, яшаш сари юз тутган халқимиз турмуш тарзидаги ўзгаришлар имкон қадар тезкорликни тақозо этади.

Республикамизнинг турли гушала-

рида 1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан нишонланаётган байрам тантаналарида ҳам халқимизнинг таълим соҳаси ривожига ишончи, ўқитувчи ва мураббийларга бўлган юксак эҳтироми намойён бўлмоқда. Таълимда сон, миқдорнинг сифатга айланиши, унинг самарадорлигини оширишга беқийс ҳисса қўшган ўқитувчилар давлатимиз томонидан юксак мукофотлар билан тақдирланди.

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган байрамда фахрий устозлар иштирокида давлатимиз раҳбари Фармонига биноан мукофотланган ўқитувчиларга

унвон, ордон ва медаллар тантанали равишда топширилгани касб фойдаларининг оиласи, фарзандлари, шогирдларининг қувончига қувонч қўшди. Байрам муносабати билан Термиз шаҳар ҳокимлиги томонидан шаҳар халқ таълими бўлимига "Nexia-3" хизмат автомашинаси топширилди.

Гулистон шаҳрида ўтказилган шодиёнада эса асосий эътибор "Энг яхши мактаб", "Энг яхши мактаб директори", "Энг яхши фан ўқитувчиси" танловларининг ғолибларига қаратилди. Тўғри, муаллимлар турлича билим, дунёқараш, фазилатлар, ҳар хил

фёъл-атворга эга. Аммо ота-оналар фарзандларини ҳавас билан ўқитадиган ўқитувчилар кам. Байрам тадбирида жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ўқитувчилар элу юрт эътиборига тушди.

Наманган вилоятида ҳам 705 та умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда. Уларда тахсил олаётган ярим миллионга яқин ўғил-қизлар 33 миң нафардан зиёд педагогларнинг меҳри ва сабоғидан баҳраманд. Наманганда ҳам мазкур байрам кенг нишонланди.

Таълим соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган нафақадаги фах-

рийлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шуниингдек, мактабга таълим тақдироти шаҳар ва туман бўлимларига хизматда фойдаланиш учун 12 та "Spark" автомашинаси тақдим қилинди.

Энг диққатга сазовор жиҳати, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган табригида таълим соҳаси учун ўта муҳим масалалар кўтарилган. Буни ўқитувчи-мураббийлар юракдан хис қилаётгани таълим-тарбия сифатига ижобий таъсир кўрсатади, албатта.

«Халқ сўзи».

## Ҳам она, ҳам тарбиячимиз

Она ҳар бир фарзанди учун масъул. Юксак марраларни қўлга киритиш учун доим қўллаб-қувватлайди. Биз ҳам болажонлардан меҳримизни аямаймиз. Уларнинг биргина «Онажон» сўзини эшитганда, барча заҳматларимиз унутилиб кетади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган табригидаги: "...халқимизнинг энг катта бойлигини — миллионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдирини, Ўзбекистон истиқболини сизларга ишониб топширганмиз", деган сўзлари зиммамизга катта масъулият юкляди. Байрам арафасида Президент Фармонига мувофиқ, бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирланганим шогирдларимни ҳам қувонтирди. Шунча йилдан бери билим, куч-гайратимни ёшлар тарбиясига бағишладим. Меҳнатларим рўёбга чиққанидан хурсандман. Шу эътибор ва ишонча муносиб бўлишга интиламан.

Матлуба ҲАМРОЕВА,  
Бухоро шаҳридаги  
32-Меҳрибонлик уйи тарбиячи ёрдамчиси,  
«Шухрат» медали соҳибаси.

## «Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак»

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригидаги қўйидаги жумла менинг эътиборимни тортди: «Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак». Буни ҳар бир инсон, ҳар бир раҳбар ўзининг ҳаётий шioriға айлантириши зарур.

Ўқитувчи жамиятда энг қадрли инсонга айлансагина, таълимга, ёшлар тарбиясига муносабат ўзгаради. Муаллим эъзозланган юрда юксалиш ва тараққиёт бўлади. Чунки мамлакатнинг ҳал қилувчи кучи бу билим ва етук ма-лакали кадрлардир. Уларни фақат жамиятда обрў ва юқори нуфузга эга бўлган ўқитувчи ва мураббий-

ларгина тайёрлайди.

Юқоридаги эзгу гоя биз, парламент аъзоларига ҳам юксак масъулият билан бирга қўйидаги вазифаларни ҳал этиш заруратини юкляйди. Аввало, қонун ижодкорлиги соҳасида таълим сифатини оширишга, ўқитувчи ва мураббийлар макomini юксалтиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш,

учун яратилган шарт-шароитларни тизимли ўрганиб бориш ҳам айни мудда.

Умуман, ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятдаги қадри ва нуфузини юксалтириш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши керак. Зеро, халқ ишонч билдириб, сайланган депутатлар ортида, кўп сонли сайловчилар билан бирга, уларни доимо қўллаб-қувватлаб турган, ҳар бир ютуғидан қувонган, таълим ва тарбия берган, камолотга етаклаган устоз ва мураббийлар турганини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Шухрат ЁҚУБОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси  
депутати.

## Юксак зафарларга ундайди

Президентимиз Фармони билан давлатимизнинг юксак мукофотиға лойиқ қўрилган ўнлаб ҳамкасбларим орасида номим борлигидан беҳад бахтиёр бўлдим.

Бошланғич таълимга "мактабнинг пойдевори" дея таъриф берилади. Чиндан ҳам, у мустақкам бўлса, ёш авлоднинг келажаги нурафшон бўлади. Бинобарин, дунё миқёсида рақобат янада кучайиб бораётган, ўта мураккаб бир даврда яшаётган болаларимизни келажакка тайёрлаб, соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишда таълим-тарбия, ўқитувчи меҳнатининг аҳамияти беқийс.

Бугуннинг ўқитувчиси ўта билимдон, илм-маърифатли, етук мутахассис бўлмоғи лозим. У дарс жараёнида ўқувчилар фикрини ўзига тўлиқ жалб этиши, мавзуларни юксак савияда тушунтира олиши шарт. Ана шундагина боланинг устозига эҳтироми ортади.

Ўзим ижодкор бўлганлигим сабабли, дарс жараёнида бу мезонларга жиддий эътибор қаратаман. Мавзуга оид адабиётлардан, бадий адабиёт намуналаридан кенг фойдаланаман.

2014 йили "Қўқламоқ", 2016 йили болаларга бағишланган "Салом, Қуёш" шеърый тўпламим, яқинда эса "Баҳорга мактаб" номли китобим чоп этилди.

Мактабларда 11 йиллик таълим тизимига ўтиш, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг оптималлаштирилиши, нодавлат таълим муассасаларининг жорий этилиши бу борадаги ютуқларимизни мустақкамлашга олиб келмоқда.

Қамтарона меҳнатларимга билдирилган ишонч ва эътибор мени доимо янги зафарлар сари ундайди.

Ирода МУЛЛАЖОНОВА,  
Пискент туманидаги  
40-умумтаълим мактабнинг  
бошланғич синф ўқитувчиси,  
«Шухрат» медали соҳибаси.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Асака» банки  
жамоаси  
1 октябрь —  
Ўқитувчи ва мураббийлар кўни

муносабати билан мамлакатимизда  
ёш авлоднинг баркамол бўлиб  
вояга етишига муносиб ҳисса қўшиб  
келаётган устоз мураббийларни  
самимий тадбирқлайди!

Ёшларга таълим-тарбия  
Беришдек савобли ишларингизда  
муваффақиятлар тилайди.  
Оилангиз тинч ва фаровон  
бўлсин!

Юксак эҳтиром билан  
«Асака» АТБ.

«Олмалик  
кон-металлургия комбинати»  
акциядорлик жамиятининг  
кўп минг кишилик жамоаси

1 октябрь —  
Ўқитувчи ва мураббийлар кўни  
билан барча ватандошларимизни  
муборакбод этади!

Ўз қалб қўри, юрак меҳри, кўз нури ила  
барчамизга сабоқ берган, ҳаётда ўз йўлимизни  
топишимизда ўғитлари билан мураббийлик  
қилган Сиз, азиз устозлар олдида ҳамиша  
таъзимдамиз!

Халқ сўзи  
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 46 058 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақида маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлаб-қўйилган тақрир қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди.

Газетанинг қўлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.

Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буоқ Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 02.10 Топширилди — 04.30 1 2 3 4 5 6